

Ислом, безанишни мувоҳид килиш ва хатто бевосита кишилардан буни талаб килиш билан уни харом деб билган баъзи карашларни рад этади. Куръони Каримда шундай мархамат килинади:

"Айтинг (эй Мухаммад): "Аллох бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва халол-пок ризқларни ким харом килди?!" (Аъроф сураси-32).

Аммо шу билан бирга Ислом аёлларга халол, эркакларга харом килинган икки тур зийнат бор.

Биринчиси: Олтин билан безанишлик.

Иккинчиси: Ипак кийим кийишлик. Ҳазрати Али разияллоху анху нинг шундай деганлари ривоят килинади: "Пайгамбар саллаллоху алайхи вассалом ипакни ўнг кўлларига, олтинни сўл кўлларига олиб мархамат килдилар: Бу иккиси умматларимнинг эркакларига харом килинди". (Ахмад, Абу Довуд, Насоий, Ибн Хиббон).

Ҳазрати Умар разияллоху анху, пайгамбар саллаллоху алайхи вассаломнинг шундай амр килганларини эшитдим дейдилар: "Ипакни кийманглар. Зеро, буни бу дунёда кийганлар охиратда кия олмайдилар". (Бухорий, Муслим).

Ҳазрати пайгамбар ипак кийими хақида шундай дедилар: "Бу яхшилик ва хайрдан насиба бўлмаганларнинг кийимидир". (Бухорий, Муслим).

Бир куни пайгамбар саллаллоху алайхи вассалом бир кишининг бармогида олтин узук кўриб уни чиқариб олди ва дедиларки: "Хар қайсингиз ловуллаб турган оташ парчасини кўлингизда тутмоқдасиз".

Пайгамбар саллаллоху алайхи вассалом у ердан айрилгач, баъзи кишилар унга узукни олиб фойдаланишини маслаҳат бердилар. У одам айтдики: "Расулulloх саллаллоху алайхи вассалом уни олиб отганларидан кейин валлохи, уни олмайман". (Муслим).

Баъзи исрофчи кишиларнинг ёнида кўрганимиз олтин қалам, олтин соат, олтин чакмоқ, олтин сигарет қутиси, олтин қоплама тиш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг барчаси олтин узук ҳукмидадир.

Қумуш узук тақишликни пайгамбаримиз саллаллоху алайхи вассалом эркаклар учун халол билганлар. Имом Бухорий Ибн Умардан келтирган ривоятда шундай дейилади: Расулulloх (с.а.в.)нинг қумушдан бир узуклари бор эди. Кейин Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Умар таканлар. Арис қудугига тушган қунгача эса Ҳазрати Усмоннинг бармоқларида эди". (Бухорий).

Темир ва бошқа маъданлардан фойдаланиш хақида ҳеч бир далил йўқ. Аксинча, "Саҳихий" Бухорийда Расулulloх саллаллоху алайхи вассаломнинг уйланмоқчи бўлган бир кишига: "Темир узук бўлса ҳам бир нарса топ" деганлари қайд килинган. Имом Бухорий темир узукни халол эканлигига бу ҳадисни далил сифатида кўрсатган.

Ислом дини соғлиқ ҳолати ижоб этган ва зарурий бир эҳтиёж бўлган тақдирда ипак кийишлик ружсат беради. Зеро, Расулulloх саллаллоху алайхи вассалом Абдуллоҳ ибн Авф ва Зубайр ибн Авво каби саҳобаларга уларда қичима хасталиги бўлганлиги учун ипак кийим кийишларига изн берган. (Бухорий)

СОФ ИПАК ВА ОЛТИННИНГ ЭРКАКЛАРГА ХАРОМ КИЛИНИШИНING ХИКМАТИ

Ислом бу икки нарсани эркакларга харом қилишлик билан ахлоқий ва тарбиявий олий бир мақсадни қўзда тутди: у жиҳод ва қувват дини бўлган Ислом эркакнинг эркаклигини муҳофаза этишни истади, яъни, заифлининг ва бошқаларнинг олдида бўйин эгиб паришон бўлишлик аломатларидан асради. Аллох таоло яратилишдаги

биологик жихатдан аёллардан кучлирок ва устунрок килган эркакларга хотинларга ўхшаб турли безаклар билан мактанишлик ҳеч ярашмайди. Бу харом килишликнинг ортида ижтимоий бир ҳадаф ҳам бор.

Олтин ва ипакнинг харом килинишини исрофга қарши курашга оид Ислому умумий дастури бир қисмидир. Қуръонга қўра исроф миллатларни ҳалокатга олиб келадиган унсурлардан биридир. Зеро, исроф ижтимоий зулмнинг бошланғичи бўлиб унинг оқибатида жамиятдаги озчилик бўлган исрофчи табақа кўпчиликини ташкил қилган эзилган табаканинг ҳисобига бойиб кетади ва меъёр чегарасидан ошади. Бундан ташқари исроф бутун яхши, хайрли ва тўғри йўлларнинг душманидир.

Аллох таоло Ҳақ китоби Қуръони Қаримда бу хусусда шундай марҳамат қилади: "Биз қачон бирон шаҳарни ҳалок қилишни истасак, унинг боёнларини (Ўзимиз юборган пайгамбарларга итоат этишга) буюриб, улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар (аҳолисини) устига Сўз (азоб тушиши) вожиб - муқаррар бўлур. Бас, сиз уни вайронага айлантирурмиз". (Ал-Исро сураси-16).

"Биз қайси бир кишлок-шаҳарга бирон оғохлантирувчи (пайгамбар) юбормайлик, албатта, у жойнинг боёнлари "Аниқки биз сизлар элчи қилиб юборилган динга қофирдирмиз", дедилар. (Сабаъ сураси-34).

Қуръондаги бу рух ва ҳукмларга уйғун ўлароқ Расулulloх саллаллоху алайҳи вассалом ҳам мусулмонлар ҳаётидаги исрофнинг бутун қўринишлари харом эканлигини билдирганлар. Эркакларга олтин ва ипакни харом қилганидек, жинсидан қатъий назар бутун мусулмонлар учун олтин ва қумуш қадахлардан фойдаланишни ҳам харом қилганлар. (Бу ҳақда қуйироқда батафсил тўхталамиз)

Шунингдек, бу ҳукмнинг жуда муҳим бир иқтисодий жихати бор. Олтин дунё бозорининг энг асосий моддаси ҳисобланади. Бунинг учун уни эркакларнинг безағи ёки қадах сифатида ишлатиб исрофга йўл қўйиш жоиз эмас.

СОФ ИПАК ВА ОЛТИННИНГ АЁЛЛАРГА ХАЛОЛ БЎЛИШИНING ХИКМАТИ

Аёлларнинг табиатан безак ва зийнатларга ўчлигини қўзда тутиб Ислому дини харом қилиш ҳақидаги бу ҳукмнинг аёлларни истисно этар экан, аёллар бу нарсалардан эркакларни йўлдан уриш ва шахватни қўзғаш мақсадида фойдаланмасликлари шарт қилиб қўйди. Бу хусусда Расулulloх саллаллоху алайҳи вассалом шундай дейдилар: "Бир аёлки, хидини олишлари учун атир суриб бир жамоатнинг орасидан ўтса, зино қилган бўлади. Унга қараган ҳар қўз ҳам зино қилган бўлади". (Насоий, Ибн Ҳузайма, Ибн Хиббон).

Аллох таоло аёлларга оғох сифатида шундай дейди: "Яна яширган зеб-зийнатларини билинсин учун оёқларини (ерга) урмасинлар!" (Нур сураси-31).